

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ №1

Дўстлик шахри

«20» июн 2022 й.

Устав асосида фаолият юритувчи «Орзулар хизмати» МЧЖ, бундан кейин «Ижрочи» деб номланади, директори Расулов У.Р. номидан, Устав асосида фаолият юритувчи Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси бундан кейин «Буюртмачи» деб номланади, раҳбар Х.Ўрозбоев номидан қуйидаги ушбу шартномани туздилар:

1. Шартноманинг мазмуни ва умумий шартлари

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ, Ижрочи Буюртмачининг топшириғи бўйича унга ёки у кўрсатган шахсга қуйидаги хизматларни (таъмирлаш ишларини олиб бориш) кўрсатиш мажбуриятини олади:

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Оқ рангли алюмин профилдан буюртмага асосан витраж ясаш	м2	63.6	549 500	34 948 200
2					
3					
4					
5					
	Жами				34 948 200

1.2. Ижрочи ушбу шартномада кўзда тутилган хизматларни шахсан тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати:

Бошланиши: 20.06.2022 йил.

Тугаши: 31.08.2022 йил.

1.4. Буюртмачининг айби туфайли бажариш мумкин бўлмаган ҳолларда хизматлар тўлиқ ҳажмда тўланиши лозим. Агар томонлардан ҳеч бири жавобгар бўлмаган ҳолатлар туфайли ижро этишнинг имкони бўлмаган ҳолларда, Буюртмачи Ижрочиға иккинчисига етказилган ҳақиқий харажатларини қоплайди.

1.5. Буюртмачи ўзи амалга оширган харажатларни тўлаш шarti билан ушбу шартномани бажаришни рад этишга ҳақлидир.

1.6. Ижрочи Буюртмачиға етказилган зарарни тўлиқ қоплаш шarti билан ушбу шартномани бажаришни рад этишга ҳақлидир.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ хизматларни тўлиқ ҳажмда тақдим этиш.

2.1.2. Буюртмачини ушбу шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишининг бориши тўғрисида хабардор қилиш.

2.1.3. Хизматлар кўрсатиш якунлангандан сўнг Буюртмачига кўрсатилган хизмат натижалари тўғрисида ёзма шаклда Ҳисобот тақдим этиш.

2.1.4. Буюртмачининг фаолияти ва ушбу шартнома бўйича хизматлар кўрсатиш пайтида олинган маълумотлар махфийлигини сақлаш.

2.1.5. Буюртмачига хизмат кўрсатиш пайтида ёки бунинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган кутилаётган ўзгаришлар ва оқибатлар тўғрисида хабардор қилиш, агар бундай ўзгариш ва оқибатлар Ижрочи томонидан кўзда тутилган бўлса.

2.1.6. Ушбу шартнома бўйича хизматлар кўрсатиш жараёнида Буюртмачининг манфаатларига амал қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Ижрочи хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш.

2.2.2. Ижрочининг самарали ишлаши учун керакли шарт-шароитларни (вақт, жой, зарур жиҳозлар) ташкил этиш.

2.2.3. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш.

3.Хизматларни топшириш ва қабул қилиш

3.1. Хизматлар кўрсатиш натижалари тўғрисидаги ҳисобот томонлар тарафидан хизматларни топшириш ва қабул қилиш тўғрисидаги Далолатномани имзолаш учун асос ҳисобланади, ушбу ҳисобот Ижрочи томонидан тузилади ва Буюртмачига топширилган кундан бошлаб уч кун ичида томонлар тарафидан имзоланади.

4. Ҳисоб-китоблар қиймати ва уларни тўлаш тартиби

4.1. Ижрочи томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг нархи: 34 948 200 (Ўттиз тўрт миллион тўққиз юз кирк саккиз минг икки юз) сўмни ташкил қилади.

4.2. Хизматлар учун олдиндан 30% тўлов амалга оширилади, қолган 70% и хизматлар тўлиқ бажарилган кундан бошлаб 30 кун ичида тўлов амалга оширилади:

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 Ижрочи хизматлар кўрсатилмаганлиги учун Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 %и миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.2 Агар кўрсатилган хизматлар сифати стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, Буюртмачи хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Ижрочидан сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар қийматининг

20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар кўрсатганлик учун жарима Ижрочидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

5.3 Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун Буюртмачи хизматни Ижрочига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.4 Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди. Етказилган зарарларга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши муносабати билан тараф қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар киради.

Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

5.5 Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахсининг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176, 176, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

6. Коррупцияга қарши келишув

6.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қапши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим.

6.2.Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78-150-26-03) орқали бирбирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатда ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга мурожатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириш мумкин.

6.3.Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

6.4.Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш таълаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчилиқда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

7.Форс-мажор ҳолатлари

7.1 Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас (уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир).

7.2 Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

7.3 Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

8.Низони ҳал қилиш тартиби

8.1 Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

8.2 Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонунчилиқда белгиланган тартибда жавобгар жойлашган манзилдаги иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

9.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1 Ушбу шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Дўстлик туман юридик хизмат кўрсатиш марказининг ҳулосаси олингандан кейин фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб, тегишли ғазначилик органларидан руйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

9.2 Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.Бошқа шартлар

10.1 Ушбу шартнома тарафлардан ҳар бири учун ҳақиқий, бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

11. Томонларнинг реквизитлари ва имзолари

«ИЖРОЧИ»	« БУЮРТМАЧИ »
«Орзулар хизмати» МЧЖ Манзил: Жиззах шаҳри, Дўстлик тумани Чинобод МФЙ, Дўстлик кўчаси, р/уй Тел/факс: +99 888 325 19 71 Х/р:20208000605182448001 Банк: АТБ Савдогарбанк Дўстлик филиали МФО: 00138 СТИР: 307154586 ОКЭД: 46460 Директор:  Х.Урозбоев 	Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси Манзил: Жиззах вилояти Дўстлик тумани, Дўстлик шаҳри, Ғ.Ғулом МФЙ, Ибн-Сино кўчаси, 1-уй Тел/факс: 72-335-47-79 Ш/Х-в:100022860082157073101054001 СТИР:200999279. ОКОНХ:91511 Дўстлик тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919. МФО: 00014 Марказий банк Тошкент шаҳри Х/р:234020003001000001010 Дўстлик ТТБ бошлиғи:  Х.Абдураимов 



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

130500 Do'stlik shahri, Amasoy shohi ko'chasi.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RI SIDA
HUQUQIY XULOSA

№ 2862

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi: Xizmat ko'rsatish shartnomasi

Loyihaning mazmuni: Do'stlik tuman tibbiyot birlashmasi boshlig'i X.Abdurayimov va "Orzular xizmati" MChJ direktori H.O'rozboyev o'rtasidagi 1-son xizmat ko'rsatish shartnoma loyihasi.

3.Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot: Do'stlik tumani tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yilning 20-iyun kuni ishlab chiqilgan.

4.Loyiha kelib tushgan sana: 2022-yilning 20-iyun kuni yuridik xulosa olish maqsadida Markazga taqdim etilgan.

5.Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Markaz boshlig'i,
2-darajali yurist



U.A.Abdiyev
21.06.2022-yil